

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМ САРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-йил
ЧИКИШИ
№ 220 (5313).
8
НОВАБРЬ
Ж У М А
1974 йил.
Баҳоси 2 тийин.

УЛУГ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК
РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 57 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ
СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ДОҲИЙ ЛЕНИН
ВАСИЯТЛАРИГА, ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК
ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИМИЗГА, ОКТЯ-
БРЬ АНЪАНАЛАРИГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТИ
ВА МУҲАББАТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИГА
АЙЛАНДИ.



Москва. Қизил майдон. 1974 йил, 7 ноябрь.

ТАСС-ЎзТАГ, телефотоси.

УЛУГ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД

Октябрнинг қудратли одими улуғвор ишлар ва зафарлар билан нишонланган. Унинг ҳар бир йиллиги — Ватанимиз тарихидаги янги босқичдир. Зотан биз бугун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллигини тантавали нишонлар эканмиз. Ленин партияси раҳбарлигида босиб ўтган йўлга ифтихор билан қайрилиб қараймиз келажакка қомил ишонч билан назар ташлаймиз.

Бизнинг ватанпарварлик ифтихоримиз қонунийдир. Совет кишилари беш йиллигининг «бўтинчи, белгиланган йилида КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақият билан бажариш учун қўл олдирди. Мамлакат саноати маҳсулотининг кўпчилиги энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан тўққиз ой учун белгиланган планни ошириб бажарди. Пландан ташқари 5,5 миллиард сумлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши 8,2 процент, яъни белгиланганидан анча кўп ошди. КПСС XXIV съезди директиваларида кўзда тутилганидек бутун халқ ҳўжалигининг техника тараққийини белгилаб берадиган тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ меҳнатчилари янги муваффақиятларга эришдилар. Беш йилликнинг беш вазифини изчиллик билан амалга оширилмоқда — халқ турмушининг моддий ва маданий даражаси йил сайн кўтарилимоқда.

В. И. Ленин Октябрь Ватанини машъалатга қиё қилган эди. «Бизнинг Совет Социалистик Республикаси, — деган эди у, — халқ-рети социализмнинг машъали бўлиши кўз ўнгидан намунга бўлиб мустахкам тураберилади». Ушундан тараққиб юзориб, тинчлик ва тараққий ёланин ёритиб берган советлар мамлакатининг рамзи сифатида майдон тегасида машъал «ён» турибди. Унинг ёнига: «1917» рақами ёзилган. Тарих хотираси олдида вақт ҳам чекинади. Биз дунёда биринчи социалистик давлатнинг қонуни кучига эга бўлган биринчи ҳужжати — Лениннинг «Сўх тўғрисидаги декрет» билан фахрланамиз. Эзлик етти йилнинг ҳаммаси мобайнида Улуғ Октябрь Ватани планетада тинчлик тантанаси учун оғишмай, изчил курашиб келди ва курашмоқда.

«... Ҳозир энг муҳими шундан иборатки, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Кишиневдаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқида, — биз КПСС XXIV съездининг совет халқи, қардош мамлакатларнинг халқлари, итти-

фоқчиларимиз ва дўстларимизнинг яшаш ва ривожланиши учун мустахкам тинчлик шароитларини таъминлаб — беришга, яъни тинчликни мустахкамлашга қаратилган йўлни қомил ишонч ва изчиллик билан давом эттирмаймиз».

Улуғ айём тонгида мамлакатнинг бош майдони — яшарган ва янгиланган Қизил майдонга меҳнат қаҳрамонлари, совет мамлакатининг энг яхши кишилари келдилар. СССР даги дипломатия ва қолотхоналарнинг бошлиқлари, чет эллик меҳмонлар ҳам шу ерда эди.

Қизил майдон байрам либосида. Бош универсал магазин биносининг пештоқида В. И. Ленин сўраги туширилган Қизил албон кўйилган. Давлатимизнинг туғилиши, бизнинг тинч ва жанговар фронтлардаги ҳамма галабаларимиз Ленин номи билан боғланган. Кремль деворида Совет Иттифоқининг давлат Герби ва ҳамма 15 иттифодор республиканинг герблари кўзга ташланади. Қизил майдон атрофидаги бинолар ранг-баранг паннолар ва шпорлар билан безатишган. Уларда Улуғ Октябрнинг абадий барҳат гоилари шарафланган.

Социалистик Ватан барча халқларининг ҳайбати дўстлиги, ўзаро ердими, бирлиги — куч-қувватимизнинг беш манбасидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Кишиневдаги тантаналарда бундай деди: «Совет республикалари мустахкам қардошларга бирликл, яъни куч-тайрар сарфлаб социализм қурдилар. Биз коммунизм сари ҳам шу таразда бораверамиз».

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. По-

янский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капотов, К. Ф. Катушев ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига чиқдилар.

Қудратли қарсанлар тўққини, минглаб кишиларнинг «Ура!» сатдолари майдон узра Кремль курантининг оҳангларига қўшилиб кетди. «КПССга шояшарафлар!», «Ленинчи Марказий Комитетга шояшарафлар!» деган хитоб сўзлари эшитилди.

Майдонда ҳозир бўлган кишилар партия ва ҳукумат раҳбарларини давомли қарсанлар билан самимий табриклаб кутиб оладилар.

Мавзолейнинг ўнг қанотида — Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси ва ҳарбий денгиз флотининг генераллари ҳамда адмираллари туришибди.

Ҳарбий парад қатнашчилари бир тенс саф тортганлар. Ўртаблат соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршаллари А. А. Гречко очик машинада Спасск дарвозасидан чиқиб кетди. Парад кўмондон тушган машина унга пешоз чиқди. Министр Ленин орденли Москва ҳарбий Округи қўшинларининг кўмондони генерал-полковник В. Л. Говоровнинг рапортини қабул қилиб, қўшинларнинг сафларини айланиб чиқди, уларни байрам билан табриқлайди. Бунга жавобан солдатларнинг қудратли «Ура!» си

ўртоқ А. А. Гречко Мавзолей минбарига кўтарилади ва нутқ сўзлайди.

ЎРТОҚ А. А. ГРЕЧКО НУТҚИ

Совет Қурулди Кучларининг жангчилари, ўртоқлар! Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Хурматли чет эллик меҳмонлар!

Сизларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукумати қонундан ва уларнинг тошпиригига биноан умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг эзлик етти йиллиги билан табриқлайман ва қутлайман.

Совет халқи бу ажойиб, қувончли байрамни партия XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан бажариш учун, Сеш йилги тўртинчи йили тошпириклари муваффақият билан бажариш учун илҳомбахш кураш вазиятида нишонламоқда.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет эзиллари Коммунистик партия раҳбарлигида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришдилар. Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада кўпроқ ўсди. Халқ фаровонлиги анча ошди. Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи ҳар қанонидан ҳам мустахкам, жамиятимизнинг маънавий-сиёсий биригили буюлмадир. Совет кишилари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини изчиллик билан қўллаган қўллаб-қувватламоқдалар.

Қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари социалистик қурилиш вазифаларини совет халқи билан бир сафда туриб, муваффақиятли

ҳал этмоқдалар. Социалистик давлатларнинг жипслиги, ҳар томонлама ҳамкорлиги ва ўзаро ердими муттасил ривожланиб, чуқурлашмоқда.

Партияимиз Марказий Комитети билан Совет ҳукуматиининг ақлий собиқадан фаолияти, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бодаминҳат сиёсати, барча тараққийлар ва тинчликсевар кучларнинг маддиқорлиги туфайли халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги негизларини сезиларли равишда мустахкамлашга, ядро уруши хавфини қайтаришга муваффақ бўлиди. КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришилди. Қайси социал тузумга мансублигидан қатъий назар давлатлар ўртасида тинч-тутув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш принциплари халқаро муносабатлар практикасида тобора кўпроқ қарор топтомоқда.

Шундай шароитда капитал мамлакатларида меҳнаткашларнинг ўз иқтисодий ва сиёсий ҳўқуқлари учун сиёсий кураш тобора кенг қилиб кетмоқда. Португалия ва Грециядаги фашистик диктатуралар ағдариб ташланди ва демократик ривожланиш истибдилои очилди.

Шу билан бирга бир қанча мамлакатларда ўта реакцион, фашистик ва милитаристик кучлар бош кўтариб турганини кўрмаслик мумкин эмас. Халқларнинг миллий ва социал-оодлиги учун курашаётган қўлтича мард кишилар таъриб қилинмоқда ва турларда таъриб қилиб кетибди.

Халқаро реакция ва агрессия кучлари ҳали қурулди ташлагани йўқ. Улар жаҳон майдонидида ижобий ўзгаришларга қаршилик қилмоқдалар, халқаро муҳитни заҳарлашга, дунёни «сўғуқ уруш» замоналарига қайтаришга интиломоқдалар. Импералистик давлатларнинг ҳарбий бюджетлари кўпайтирилмоқда. Қуруланиш пойгаси давом этмоқда. Шу кучларнинг айби билан планетанинг бир қанча районларида кескинлик ҳамон давом этиб келмоқда. Кипр Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориял бутунлиги шу вақтгача таъминлангани йўқ. Исроил оккупациячилари араблардан босиб олган ерларини ҳамон бўшашиб бериштиради. Хинди-Хитой халқларига чинакам ишончли тинчлик таъминлаб беришга эмас. Шуларнинг ҳаммаси мустахкам ва ўзгармас тинчликни қарор тодириш учун халқ кўп куч гайрат сарфлаш доимлигини, тинчлик учун тинимсиз кураш олиб бориш кераклигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА БАЙРАМ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллиги муносабати билан 7 ноябрда қабул маросими ўтказди.

Кремлдаги Съездлар саройида ўтказилган қабул маросимида Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капотов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолик кандидатуралари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг де-

путатлари, министрлар, Совет Иттифоқи маршаллари ва қўшин турларининг маршаллари, генераллар ва адмираллар, марказий идоралар ва муассасаларнинг раҳбарлари, СССР космонавт-учувчилари, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги илгирлари; фан ва маданият арбоблари, совет жамоатчилигининг вакиллари, Қизил майдондаги ҳарбий парад қатнашчилари бор эди.

Қабул маросимида байрамда қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар ҳам ҳозир бўдилар.

Залда СССРдаги дипломатия ваколатхоналарнинг бошлиқлари бор эди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний қабул маросимида нутқ сўзлади.

ЎРТОҚ Н. В. ПОДГОРНИЙ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Чет эллик муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар! Бугун совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллигини тантавали равишда нишонламоқда.

Барча мамлакатлардаги, барча қитъалардаги синфдор қардошларимиз, дўстларимиз ва маслакдошларимиз бу кунни ҳақли равишда ўз байрамлари деб ҳисоблайдилар. Улуғ Октябрь эзликлариз ва мадмулариз эрзини жамият тўғрисидаги инсониятнинг асприй оруз-умидларини амалга ошириш йўлини очиб берди, марксизм-ленинча гоиларнинг ёрқин тантанасига айланди. Улуғ Октябрь жаҳон тарихида янги даврни бошлаб берди.

Кўп миллатли совет халқи бугун яхши, шодона қайлиб, билан байрам қилмоқда. КПСС XXIV съезди белгиллаб берган социал-иқтисодий программа муваффақиятли равишда бажариламоқда. Пиланил социалистик ҳўжалигимиз тез ва барқарор суръатлар билан

ривожланмоқда. Совет кишилари турмушининг моддий ва маданий даражаси тинмай ошиб бормоқда. Беш йиллигининг тўртинчи йили юксак меҳнат кўтарилиги билан, социалистик мусобақа кенг қулоч ёганлиги билан, ишлаб чиқариш коллективлари ва илгортларининг жуда катта ютуқлари билан нишонланди.

Қаҳрамон ишчилар синфимиз, шонли колхозчи деҳқонлар, халқ эзиллари Октябрнинг 57 йиллигини янги қорхоналари нига тушириш билан, маҳсулотининг янги турларини ўзлаштириш билан, колхоз далалари ва фермаларда катта-катта муваффақиятларга эришиб билан, фан-техника тараққийини жадаллаштириш билан, ватан шон-шўхрати йўлида, коммунизм йўлида уқан режалар билан кутиб олмоқдалар.

Замонавий жанговар техника билан таъминланган Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг тарихий галабаларини ҳўшёрлик билан қўриқлаб турибди. Биз бугун Қурулди Кучларининг ажойиб парадини таъриб

билан кузатиб турдик. Бу парад гоят катта таассурот қолдирди.

Мамлакатимизнинг халқаро аҳволи ҳали ҳеч қачон бунчалик мустахкам бўлмаган эди. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари совет халқи билан ёнма-ён бормоқдалар. Миллий ва социал-оодлиқ жарани тобора кенгайиб ва кучайиб бормоқда.

Совет давлатининг собиқадан ташқи сиёсати сезиларли натижалар бермоқда. Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тутув яшаш принциплари халқаро муносабатлар практикасида тобора кўпроқ қарор топтомоқда. Азиз дўстлар, ўртоқлар! Чет эллик муҳтарам меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизларни, шонли пойтахтимиз Москва меҳнаткашларини, қаҳрамон ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларини, эзилларини, Совет Армияси ва флотини жангчиларини, ажойиб хотин-қизларини ва ёшларимизни, бутун совет халқини улуғ байрам билан самимий қут, таша ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллиги шарафига қадаҳ-қўтаришни тақдиф этишга иқтидор бергайсиз.

Яшасин барча галабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Коммунизм бинокори — улуғ совет халқида шон-шарафлар!

Севимли ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари

Иттифоқи мустахкамлашгани ва гуллаб-яшнашайверсин!

Сизларнинг сиҳат-саломатлигини учун, азиз ўртоқлар!

Ўртоқ Н. В. Подгорний нутқи эўр эътибор билан тингиланди ва қарсанлар билан кутиб олинди.

Қабул маросими самимий ва сндиқиллиқ вазиятида ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун санъат усталарининг байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЯГОНА ОИЛАСИДА ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕХНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Бу йил Ўзбекистон меҳнаткашлари учун ҳақийқат олтин куз келди. Саноат қорхоналарининг пеш-лариди ҳам, колхоз ва совхозларнинг далаларида ҳам эришилган ажойиб меҳнат зафарлари бу кузга алоҳида файз киритди. Мўл пахта қирмони учун олиб борилган жангдиги галаба қувонч устига қувонч қўшди. Деҳқонлар эғу маррадан ҳам ўзиб кетиб ҳозир бундан икки ҳафта муқаддам нитондан ортиқ «оқ олтин» тоғи

ни бунёд этдилар. Бу буюк ютуқ тўғрисидаги хўшхабар Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги арафасида таралди. У байрамнинг улуғвор таъриб билан қатнашчилари эриш-ронли бўлиб янгради, унга эўр тантанаворлик бахш этди.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари байрам намоийишига завқ-шавқ билан қиқдилар. Улар Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи бундан икки ҳафта муқаддам нишонланган пайтдаги ранг-баранг

либосида товданиб турган В. И. Ленин номи майдонга йўл олдилар. Жўқозларнинг бундай ўхшашлигида чуқур маъно бор. Зеро Ўзбекистон республикаси Улуғ Октябр туфайли вужудга келган, республика меҳнаткашлари ба-ҳодирона куч берган халқларнинг ленинча дўстлиги революция ала-нгасидан вужудга келиб, мустахкамланган.

(Давоми 2-бетда).

БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

УЛУГ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг 57 йиллик байрами барча жойларда бўлгани каби областимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам зўр шоду-хуррамлик билан нишонланди. Меҳнатчиларнинг бўлиб ўтган байрам намоёнларида партия ва ҳукумат ишга чексиз сажоват қилди, она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари яна бир бор намоён бўлди.

АНГРЕН

ТОГ томондан эсаётган муздек шабада кўркам бинолар пештоқиданги ранго-ранг байроқ ва аллонларни майин ҳилпираб турпти. Шаҳар тоғи буғун ўзгача фой, ўзгача тароват бахш этган. Янграётган қувноқ музика садолари олис-олисларга таралмоқда.

Эрталаб соат 10. Тантанавор марш садолари остида намоёнчилик колонна-колонна бўлиб, марказий майдон сари оқимлайдилар. Олдинда мактаб ўқувчилари, студентлар. Улар бизнинг келажикимиздир. Шу билан ҳам байрам намоёнчилигини ёшлар бошлаб берди.

Ангрен шаҳри меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги арафасида махсулот реализация қилиш бўйича тўрт йиллик плани муваффақиятли адо этдилар. Махсулот ишлаб чиқариш беш йиллик топириқларини барвақт бакарган коллективлар ҳам оз эмас. 11 корхона шу кунларда 1975 йил ҳисобига махсулот ишлаб чиқаришда. Керамика комбинати, «Узбекшахтострой» трести, Шарқий Қурама геологиз-разведка экспедицияси каби илгор корхоналар ўн ойлик иш якунлари бўйича СССР минос-трликлари ва тегишли тармоқ касса союзулари Марказий Комитетларнинг кўмақи Қизил байроқларини олишга муяссар бўлишди.

Ҳозир ҳамма бир жой бир тан бўлиб, маюна шу топириқларни барвақт адо этиш учун курашга отланмоқда.

БЕКОБОД

ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводи шукрати бутун Иттифоққа ёйилган. Санд Нуриддин, Асад Эргашев каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, неча ўнлаб нишондор металлургиялар пўлат эритиш ва прокат тайёрлашда барчага намуна бўлмоқдалар. Улар ҳиссаси билан корхона ой сайин махсулот ишлаб чиқариш топ-шириқларини ортиб чиқариш адо этиш келмоқда. Учунчи квартал иш якунлари бўйича завод СССР Қура металлургия минос-трлиги ҳамда металлургия саноати ишчилари касса союзулари Марказий Комитети кўмақи Қизил байроғига сазовор бўлди.

Улуғ Октябр байрами намоёнчилигининг олдинги сафида металлургия келмоқдалар. Улар ўз ютуқларини кўз-кўз қилиб, марказий трибуна олди-дан ўтиб бормоқдалар. Металлургия билан изма-из цементчилар, матбаачилар, бинокорлар бормоқдалар. Цемент комбинати, гишт заводи, босмахона каби илгор корхоналар коллективлари улуғ айёмга беш йилликнинг тўрт йили планини бакарган ҳолда келдилар. «Бинокорлар» шу йилнинг ўтган ой-лари давомида 20 минг квадрат метр уй-жойини ҳамшаҳарларига совға қилишди.

Ишчилар кўтариб олган транспарантларнинг бирига ўроқ ва болта тасвири туширилган. Бекободликлар бу йил пахтакорларга ҳар қачонгидан

ҳам катта ёрдам кўрсатдилар. Улар мавсумда 6 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни те-риб бердилар. Бекобод районидаги «Победа», Ленин номи, Навоий номи колхозларда соғуна цехлари, молхона ва парридахоналар қуриб берилди. Ишчи ва деҳқон дўстлиги туфайли Бекобод райони пахта тайёрлаш планини областда би-ринчилар қатори адо этди. Энди улар галаба гаштини биргаликда сурмоқдалар.

ОЛМАЛИҚ

УЛУГ Октябр социалистик революциясининг 57 йиллиги арафасида бошланган мусобақа-га шу кутулгун айдём арафасида якуни ясалди. Шаҳар саноатчи-лари мусобақа байроғини ба-ланд кўтариб ўн ойлик топи-риққа қўшимча равишда сал-кам 8 миллион сўмлик махсу-лот ишлаб чиқаришга муваф-фақ бўлишди. 7 та корхона ҳозир беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобидан махсулот иш-лаб чиқаришда.

Мусобақа илгорлари байрам колоннасининг олдинги қатор-ларида бормоқдалар. Қалмоқ-қир қони пармадалар, станог-нинг машинисти Қосим Сафа-ров, кўроғини қони эскева-тор машинисти Михаил Толма-чев, электр тармоқлари мон-тери Мамаюн Саидов каби Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамон-лари колонналарга фойз киритиш-ган. Улар кўрсатган орден ва медаллар меҳнат муваффақия-тларидан ҳикоят қилади.

Кейинги бир йил мобайнида шаҳарда бир олам ўзгаришлар юз берди. Янги қишлоқлар пайдо бўлди, кўркам қуналар очилди, корхоналарда қўшимча қувватлар ишга туширилди. Байрам арафасида химия, рух заводалари ва мис бойиши

фабрикасини шаҳар маркази билан боғловчи янги троллей-бус ливияси очилди.

Ленин проспекти бўйлаб кел-лаётган намоёнчилар колон-насининг ниҳоси кўринмайди. Қувноқ музика садолари ости-да спортчилар турли фигура-лар ясаб ўтмоқдалар. Республи-ка ва Бутуниттифок мусоба-каларида иштирок этган олма-лиқлик бу спортчилар турли совринларга неча бор сазовор бўлишган.

ЧИРЧИҚ

ФАНФАРЛАР садоси бай-рам намоёнчилигини бошланган-лигидан дарак беради. Қўси-лари орден ва медалларга тўл-ган уруш ва меҳнат ветеранла-ри биринчи бўлиб В. И. Ленин номи майдон томон кириб бо-радилар. Улар орасида Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамонлари Таборак Турдалиев, Омон Илсоев, Антонина Дугина, Де-ҳқон Шеринбоев каби кекса би-нокор ва кимёгарлар, машина-соз ва монтажчилар бор. Улар Чирчиқ шаҳри пойдеворида би-ринчи бўлиб гишт қўйишган эди. Ишга тушган корхоналар-нинг дастхоналарини ҳам улар-нинг ўзлари биринчи бўлиб бошқаришга киришдилар.

Ушайдан бери орадан неча-неча йиллар ўтди. Улар ме-хнатда улағиб, қамол топиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамон-лиги унонига, ҳукумат орден ва медалларига сазовор бўлишди. Меҳнат қаҳрамонлари номини буғун ҳамма ҳўрмат билан тил-га олмоқда.

Ветеранлар меҳнатда ҳамон барчага ўрнак. Улар ҳиссаси билан шаҳарда саноат махсуло-ти ишлаб чиқариш ўн ойлик плани барвақт адо этилди ва қўшимча 7 миллион 800 минг сўмлик махсулот тайёрланди.

Бошқача қилиб айтганда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан махсулот ишлаб чиқариш ҳаж-ми 8,6 процент кўпайди.

ЯНГИЙЎЛ

БАЙРАМ намоёнчилири ша-ҳарда зўр уюшқонлик билан бошланди. Шўх музика оқанги-га мос оқим ташлаб майдонга физкультурчилар кириб кел-дилар. Чаққон ва элчил йигит-қизлар бакарган ҳар хил фи-гураларни томошабинлар заўқ билан кузатадилар.

Мақтаб ўқувчилари, студент-лар колоннасига ишчилар ко-лоннаси улашиб кетди. Намо-ёнчилар ҳечқанда табассум. Улар Октябр байрамини меҳ-натда улкан муваффақиятлар-ни қўлга киритган ҳолда кўтиб олдилар. Сут ва қолбаса заво-ди, пойфазал фабрикаси каби илгор коллективлар беш йил-лик топириқларини бакарши-да олдинги сафларда келмоқда-лар.

Ишчилар айни пайтда деҳ-қонларга ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар бу йилги мавсумда 8 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйдилар. Колонналарда ўтиб бораётган ишчиларнинг асарлиги маюна шу катта хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш-ган.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ Га-залкент, Пискент, Али-кент шаҳарлари ва бошқа районларда ҳам меҳнат-чиларнинг намоёнчилири бўлиб ўтди. Эрта тонгда бошланган байрам шодие-налари кеч тунгача давом эт-ди.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.

Ж. НОСИРОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ОЛТИН ТҮЙ

Катта олтин тўйини давра билан ўтказган, Улуғ она элида яна шодлик хабари. Москвадан нафаси бизга келиб турбди, Юраклар қувонади дўстлар қувонган сари.

Бахт қуёши бошда меҳнат мухр билан, Она ер, олтин тупроқ сени эркаклар нисон. Меҳримизнинг чаммаси сени обод этамиз, Космонавт парвозидан доврнинг жаҳон-жаҳон.

Саҳий азамат халқнинг ерга меҳрибонлиги, Ризқи-рузини ундирар, тоғдек хирмонлар баланд. Олтиндай бугдойимиз ажойиб боғу-роғлар, Меҳнаткаш деҳқон дили бир-бирга пайванд.

Ҳамжиҳат элимизда шуъласи саҳий офтоб, Пахтазор даладарда норлар ҳаёт юлдузи. Меҳнатнинг енглидан қийинга бериб тоб, Тоғ чоғи даладарда халқ асл йигит-қизи.

Ҳар ким касб-корини, вафодори ёрини, Ўстирган динерни юракдан қилар ҳўрмат. Қардошлари олдида баланд эътиборини, Яна улуғ тутуди пахтадан қилиб ҳўрмат.

Беш қиррали чаноқлар, пахтазор юлдузлари, Енг шимарган мардларга буғун катта марака. «Зангори кема»ларнинг лочини капитанлари Пахтадан тоғ қилдингиз, юракдан баракалла!

Олтин қўллар бор бўлсин, меҳнатига ёр бўлсин, Баланд-баланд кутарди «оқ олтин» хирмонини, Минглаб машиналарнинг колоннаси кўркамдир, Пахтакор фидо дейди элга жон-таннини.

Сизга шарафлар бўлсин ишчининг юрақиди, Машина қиймати билан мард қантандар, Елканингиз сузади офарини дер қардошлар, Ишнингиз якунидек чинакам шараф-шонлар.

Ленин назар ташлаган Шарқнинг машъали ўлкам, Қамолу-жамолнинг қуёш олади ҳўрмат. Қадимий қақроқ қўллар гулистон бўлган кўркам, Меҳнаткаш азиз эллар бу ерда яшар мамнун.

Минг йиллик қуёш нури ҳамон нисон бошда, Она ер, олтин тупроқ сени эркаклар нисон. Салобатли замоннинг техника азияи билан, Космонавт парвозидан доврлар жаҳон-жаҳон.

Юсуфжон ҲАМДАМ.



РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти Тошкентда Улуғ Октябр байрами тантаналарида юз минглаб киши иштирок этди. Буюк ниқобнинг 57 йиллиги байраминга пойтахт меҳнаткашлари улкан меҳнат зафарлари билан кириб келишди. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг зарбдорлари, олий ва ўрта таълим ўқув юр-тларининг студентлари майдондан саф тортиб ўтишди. Намойишга чиққан меҳнаткашларнинг қўлла-ридаги турли хил шпорлар, транс-порантлар Октябр шарафига қўл-га киритилган улкан ютуқлар ҳа-қида ҳикоят қилади. Тошкентдаги байрам, улкан, сермазун тўй ту-меҳнаткашлар намоёнлиги ҳақиқий сийи олди.

А. Абалин фотолари.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

1924 йил. Тошкент уезд комсомол комитети вакили Пулат бўлиш Чувалачи ки-шига Амрихонов деган бир йигит келиб, ёшларни бир жойга тўпладди.

У ёшлар Союз (комсомол) нинг вакилларини жуда со-да ва ишончли қилиб, тушун-тирди. «Қишлоқда комсомол ачайибаси тузалиш, ҳаммага аъзо бўласиз», деди. Ёшлар-га ушунга қандай жавоб бе-ришларини билмай, бир-бирла-рига қарай олишди. Ана шун-да уи салқин эшани Турсун Содиков ўрнидан турди.

— Комсомолга аъзо бўлиб ки-раимиз, — деди у. Унинг сўзини ҳамма қўллаб-қувватлади. Маълумки қатнашган-лардан йигирма уч киши комсо-молга ёзилди. Уездон вакили ўзи билан бирга комсомол билетла-ри ни ҳам олиб келган эди. Ёш-ларнинг ҳаммасига шу ернинг ўзида комсомол билетлари ёзиб берилди.

Ушадарда қишлоқда синфий кураш қизиб боради, Бутун мамлакатда янги итисодий сиё-сат, янги тўғнашувлар давом этарди. Катта ер эгалари, қулоқ-лар, бойлар, савдогарлар, рух-онийлар, барча синфий душманлар ўз манфаатларини мустахкам ҳисоб-лаб, партия ва ҳукумат тадбир-ларига тўғонақ бўлишга урини-рлар.

Чувалачи қишлоғида ҳам деҳқон-ларнинг бирдан-бир уюшмаси ҳисобланган «Қўшчи» союзиға ёт унсурлар ўз одамларини — катта ер эгаси Ҳамробеини раис қилиб сайлашга эришган эдилар. Қишлоқ Советига ҳам уларнинг вакиллари сўқилиб кирганди.

Уш йилнинг кузига Пулат бў-лисида ер-сув ислохоти ўтказиш мақсадида Расул Қориев раисли-гида уч кишидан иборат комис-сия коммунист, комсомол аъзо-лари ва партияси экиталав бил-дан мамлик ўтказди. Маълумки «Қўшчи» союзини соғломлашти-риш масаласи қатъий қилиб қў-йилди. Ана шунда Тўраҳўнабой «Мана бу ўзинингизни, мана бу тўрт ўғилларинингиз» деб, бизни-га «Қўшчи» союзиға аъзолик гувоҳномасидан бешта топириқ-ди. Ҳамробе маълумки мулазим бў-либ қилиб кетди. Унинг деҳқон-бой деган қамбағалдан чиққан ки-ши раис, комсомол аъзоси Тур-сун Содиков секретари этиб та-йинланди.

Бойларнинг мол-мулкларини ва ер-суваларини ҳисобга олиш учун қамбағал деҳқон ва батранлар гуруҳаси тўзилди. Бунда ҳам Турсун Содиков секретари қилиб сайланди. 1926 йили ер-сув исло-хоти тугалланди. Бойларнинг ор-тиқ ерлари, иш ҳайвонлари,

асбоб-ускуна ва ортиқча бинола-ри қамбағал деҳқонлар ва бат-ранларга тақсимлаб берилди.

Бойлар «етиб қолгунча, оти-б қол» қабилида қамбағалларга қар-ши иғво уюштириб, улардан тур-ли йўллар билан уч олишга ки-ришдилар. Рухонийлар «ер исло-хотида тақсимланган жойлардан олтинган ҳосил ҳеч кимга буюр-майди, ҳаром» деган фатонин тарқатдилар. Мухамбей бойнинг сойиб чорикори ҳам икки гектар ер олганди. Бойнинг ўғли Дони, ерден бунга чидаюлмай, халим қамбағаллар нечаси қавақлаб кет-ди. Қўшчи Қорасарой қишлоғида бой мулкидан икки гектар ер ол-ган яна бир қамбағални ҳам да-лада ишлаб турган жойида бой-нинг ўғли Абдумалик сўйиб таш-ларди. Қотиллар қўлга олиниб, Қўктерек қишлоғида оқиш суд қилинди. Судга этроф қишлоқла-ридан жуда кўп одам тўпланди. Суд бир неча кун давом этди. Ҳар икки қотил олий жазага ҳўм этилди.

Турсун Содиков комсомол но-митетининг ва «Қўшчи» союзининг секретари сифатида мана шу жағовар курашларнинг ҳамма-сида актив иштирок этди. Ер ис-лохоти тугаллангач у қишлоқ Со-ветининг секретари вазифасини ҳам олиб берди.

Шу даврда саводсизлигини ту-гатиб курсини битирган қамба-ғаллардан Қалонбоев, Нишонбоев, Топилов, Ҳасанов ва бошқалар қолхоз раиси, район ижроия ко-митетининг раиси ва бошқа ла-возимларга кўтарилиб, халққа ба-ғувордлик хизмат кўрсатишди.

Содиков 1927 йилда партия са-фиға қабул этилди ва шу йили Тошкент район комсомол комите-тига секретарлини сайланди. Чувалачи қишлоғида бойлардан мусодалар қилиб олишдан бир ўл-ди да хотин-қизлар клуби ташкил этилди. Сўнгра хотин-қизлар мон-ференцияси ўтказишга тайёргар-лик қилинди. Қишлоқда куч етар-ли бўлмагандан онгур комсомол комитетидан ёрдам сўралди. Ком-ференцияни ўтказиш учун шаҳар-дан бир неча актив жамоатчи аёллар келишди. Улар орасида ўзбек хотин-қизлар билим юр-тининг талабаси Фотима Содикова ҳам бор эди. Фотимани қишлоққа қиравертишдан олмасорда ваҳ-

шийларча ўлдириб кетишди. Қо-тилар тезда топила қолмади. Ле-кин, орадан уч йил ўтгач совет маъмурий идора ҳодимлари бу жиноят Абдумавлонбой томонидан қилинганини фойз этдилар.

1929 йилга келиб қишлоқ ҳўна-лигини коллективлаштириш иши қизиб кетди. Бунда ҳам Турсун Содиков курашининг олдинги саф-ларидан борди. Чувалачи ва Ҳасан-бой қишлоқларида коллективлаш-тириш ва қулоқларни синф сифа-тида тугатиш ишларида фаол қат-нашди.

1931 йили ўртоқ Содиков Тош-кент район Советига маъсўл сен-ретари қилиб тайинланди. Бир йил ўтгач эса у Шахрисабз район қолхоз союзиға раис қилиб жо-бонланди. Уш йиллари Шахрисаб-зда ақвол аниқ оғир, қулоқлар ҳу-руми ағинади, уларнинг қўллари турли найрағ ишлабчи қолхозга жойлашиб олгандилар. Турсун Содиков бу ерда қулоқларни синф сифатида тугатиш, уларни фойз этишда, қолхозларни мустахкам-лаб, оёққа турғазиш йўлида ак-тив кураш олиб борди. 1934 йили у Қўноттун районларидан ҳи-собланган ҳўрима Узбекис-тон райониға район пар-тия комитетининг инструктори қилиб юборилди. Бу ерда ҳам у коммунистга ҳос ҳўрлигини, гай-рат, масорат намуналарини кўр-сатди. Кейинчалик Қашқадар об-ластининг Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари вазифасини бакарди. Содиков-нинг ташкилотчилиги натижасида қишлоқ ҳўналиғида қўрсаткичлар яқинлаша борди. Надрлар қўпа-ди, қолхозларда ташкилий ҳўма-лик ишлари яқин йўлга қўйилди.

УЗРНИ халқнинг бахти-саодати бўладиган курашда биз қишлоқдан Содиков 1967 йил шахсий пенсияға чиқувиға қадар республика миёнасидаги ҳўналиш ташкилотларида раҳ-барлик лавозимларида ишлади. У ҳўрғири фаровон ва бахти-ёр турмушини гаштини сўраб оқил, ўз ўтмишига назар таш-лайди, умри оёқ ўтмагандида беҳад фахрланарди.

У. МУҲАМЕДОВ.

Кекса журналист, Узбекис-тон ССРда хизмат кўрсатган маданият ҳодими.

МАЖБУРИЯТГА ҚЎШИМЧА 2 МИЛЛИОН 740 МИНГ СЎМ

ОЛМАЛИҚ В. И. Ленин номидаги қон-металлургия комбинати коллективни тўққиз-зичи беш йилликнинг бел-гилловчи йилида зиммалари-га юксак социалистик маж-буриятлар олиб меҳнат қи-лаштиради.

Кончилар ўзаро социалистик мусобақани авж олдинган ҳо-лда ишлаб, яхши самараларни қўлга киритмоқдалар. Комби-натнинг рух заводи коллектив-ни мусобақада пешқадамлик қилипти. Прогрессив техноло-гияни ва илгор усулларни иш-лаб чиқаришга жўрий этиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш натижасида улар Октябр бай-рам кунларида улкан галаба-ни қўлга киритишди: тўққиз-зичи беш йилликнинг тўғрин-чи йили социалистик мажбу-риятлари ортиги билан бакарил-ди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАХСУЛОТЛАР

БЕКОБОД. Шаҳардаги озиқ-овқат-корхоналари аҳо-лининг кун сайин ортиб бо-раётган талабларига жавоб бериш борасида намунали ишларни амалга оширмоқда-лар.

Ўшт комбинати коллективни махсулот реализация қилиш бў-йича 1974 йил планини бакар-ди. Янги охиригача пландан ташқари 150 минг сўмлик мах-сулот ишлаб чиқариш мажбу-риятини олди.

Шунингдек, пахта заводи меҳнаткашлари ҳам тўққиззичи беш йилликнинг аниқловчи йи-ли пахта тайёрлаш планини адо этдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР

ЯНГИЙЎЛ. Шаҳардаги қатор саноат корхоналари Октябр байрами арафасида меҳнат зафарларига эриш-ди. Жумладан, қолбаса-сут бирлашмаси, пахта заво-ди ва пойфазал фабрикаси ўн ойлик ишлаб чиқариш планини бакарди.

Қолбаса-сут бирлашмаси 3 миллиондан ортиқ сўмлик мах-сулот реализация қилди, пах-та заводи эса 1900 минг сўм-лик махсулот тайёрлади. Бу уларнинг Октябр байра-мига муносиб совғалари бўл-ди.

РАЙКОМ ЙУЛЛАНМАСИ БИЛАН

Район партия комитетининг сек-ретари ортиқча гапни қўзиб ўтир-мади. Йигитга ўтириг, ишорасини билдиранкан мексадга қўчди.

— Сизни трестга, қадрлар бўй-ича директор муовини лавозимига юборишни лозим топдик. Очингни айтиш керак, оғир участкаға юборилмиз. Трестга ўнларча ов-қатланмиш муассасалари қарайди, надрларни таллаш, уларни лаёқ-каға қараб жой-жойига қўйиш, савдо маданиятини талаб даража-сига кўтариш каби бир қатор тад-бирларни амалга ошириш лозим...

Кутилмаганда билдирилган ил-тифотдан йигит бир зум сароси-мада қолди. Уни яқиндан билма-ган, сўхбатда бўлмаган киши ажабланиши, қийинчиликлардан «қийинчиликлар тоби йўқро-ққа аниқ деган ҳўлосига келиши аниқ. Ленин Ҳасанбой ундайлар-дан эмас. Комсомол тарбиялаган, партия қамолотга етказган йигит. Унинг барча хислати ташкилий бў-лим мудирига ҳам, райком секре-тарига ҳам беш қўлдек малум.

— Менимча Ҳасанбой ишончи-мизни оқлайди, — ўртадаги су-куматни бўлди бўлим мудир Ҳамза Мирзақонович. Райком сек-ретари унинг фикрини тасдиқла-гандек, беш иргаб қўйди.

— Ишончингизга раҳмат. Бор-дию, қийналиб қолсам сизларга таянман.

Ийлар ўтди. Ёш коммунистнинг ишончилиги, топириққа чуқу-ро маъсулият ҳис этиши туфайли шаҳар ресторанилар трести ишда сезиларли жонланш бўлди, қадр-лар қўнимсизлигига кеч қўйилди.

совет савдоси қондасини бузиш ҳоллари кескин келмади. Пирова-лиде социалистик мусобақада ях-ши кўрсаткичга эришганини учун шаҳар партия комитети ва ша-ҳар ижроия комитетининг қарори-га мувофиқ ресторанилар трести Шўхрёт китобига ёзилди.

Райком ҳамда трест маъмури-яти Ҳасанбой Мавлоновни пой-тахтидаги йирқи оқватланмиш муассасасига юборишни лозим топган бир пайтда у яна бир бор коммунист, фазилатини намоён этди.

— Қаерни, қайси участкани ло-зим топсангиз, розиман. Ҳасанбой Мавлоновнинг жавоби шу бўлди. Директорнинг янги муовини иш-ни коммунистлар билан алоқида-алоқиде сўхбатлашди, улар фикри ва мулоҳазаларини ўрганишдан бошладилар. Шу йили бўлиб ўтган ҳисобот-сўлов йилигида Ҳасан-бой Мавлонов бошланғич партия ташкилотининг секретари қилиб сайланган эди. Райком секре-тарининг бундай усули ўз самаре-сини берди. План топириқлари ошириб бакарлабшоланди, та-риб-интизом йўлга тушди, прогуд келмади.

Фрунзе район партия комитети, шаҳар ресторанилар трести маъму-рияти Ҳасанбойни шу ерга юбо-риб янглишмади. Бинобарин парт-комнинг коллектив ўрғисидиға ҳўрмати ҳам ўса берди, эътибори ошди.

— Ҳасанбой акамини бир умр унутмайман, — дейди бош ошпаз ердамчиси ёш коммунист Анавр

Мадалиев. Қўллар қатори мен би-лан ҳам сўхбатлашди, ошпаз-лик маҳоратини ўстириш, ўз ус-тулида ишлаш қараклигини қўл бор таълимчилари. Энг асосийи эса касбга меҳр-муҳаббат уйғоте-билдилар.

Бундай самимий сўзларни Эркин Ашуров, Зоир Нўрмонов, Шоаб-драҳмон Шоумаров, яқинда «Ус-та — ошпаз» номини олган «Дил-бар» ресторани бош ошпази Озод Мақсудов сингари ёш коммунист-лардан ҳам эшитса бўлади. Ҳасанбой Мавлоновни ёшлар ўртаси-да фақат таълим-тарбия ишлари олиб бормай, уларнинг бугунги кунини, келажик ҳақида ҳам қайғу-ради. Шу туфайли ҳам ресторан-да ишлаётган қўпгина ёшлар иш-лаб чиқаришдан ажрамаган ҳол-да олий ва ўрта билим юртлирларга ўқимоллар.

— Халоллик, қамтарлик, ширин-сўзлик қийининг зийнати, — рес-торан партия ташкилот секре-тарининг ширини шўнғар



10 НОЯБРЬ — СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ ШАРАФЛИ БУРЧ

Чилонзор — пойтахтимизнинг энг гавжум районларидан бири. Район аҳолиси меҳнатда, ободончилик ишларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Улар оқибатининг сақлашда посбонларининг алоҳида ҳиссаси бор.

Кейинги пайтда районда жиноятчилик, тартибсизлик кўринишлари сезиларли равишда камайди. Ички ишлар бўлими сўғити икки-уч йил мобайнида махсус — маълумотли, касбига меҳр қўйган ишчилар билан хисобига анча мустақимлашди. Жиноят қидирув, профилактика, социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш бўлимларининг ходимлари ўз фаолиятларида район, партия, совет, касба союзу ва комсомол ходимларининг актив ёрдамига таянмоқдалар.

Терговчи милиция лейтенанти Х. Умаров, лейтенант Р. Мухторов, капитан К. Таслимов ва бошқа ўрда ходимларимиз жамоатчилик билан биргаликда алоқада бўлиб, жамоат тартибни бузилишга йўл қўймаслик учун астойдил кураш

моқдалар. Коллективлар, ўқув муассасаларида социалистик қонунчилик ва тартибот ҳуқуқ нормалари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказилляпти.

«Узгирпрозем» институтини, пластмасса буюмлари заводи, Давлат чет тиллар педагогика институтидидаги кўнгилли халқ дружиначиларининг актив ҳаракатлари туфайли турар-жой кварталларида безорилик, тартибсизлик ҳолатлари кескин камайди, кўплай жиноятларнинг олди олинди. Бу ўринда халқ кўнгилли — дружиначиларининг қўлини қўйганлар Г. Абдуллин, В. Подаров, А. Саидов, И. Турсунов ўрдақларнинг хизматлари мактоғига сазовор. Бу фидокорлар милиция ходимлари билан «доний алоқада бўлиб, белгиланган участкаларда оқибатининг сақлашда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Хар соҳада ўз ишларининг билимдонлари бўлганидек, бизнинг бўлимининг ҳам ҳаётининг катта қисmini совет милициясидаги хизматга бағишлаган ветеранлар аниқгина. Ёш милиция ходимлари ўқишда ол

ган назарий билимларини шу устозлар таърибаси билан қўшган ҳолда кундалик хизматда ажойиб натижаларга эришиляпти. Ана шундай ветеран ходимларидан И. Бочаров, С. Мирсолихов, С. Жўрабеков, Г. Набиев, М. Юсупов, С. Каримовлар фаришмандир.

Совет милицияси байрамни барча сафдошлар натори раъонимиз оқибатининг посбонлари ҳам ўз постларида хушбур туриб, оқибатининг кўлини қўйганлар.

А. УРМОНБЕКОВ, Чилонзор район ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

«Урток» кондитер фабрикаси коллективи йўл билан тайёрланган қандолатлар байрам дастурхонини яна ҳам тўқин қилди. Фабрика ишчилари Улуг Октябрьнинг 57 йиллигига атаб «Мелодия», «Малишка», «Маска» каби ўндан ортқи янги хил қандолатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Қандолатчилар аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб ҳар кун нормадаги 70 тонна ўрнига 85—86 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар октябрь ойи давомида планга қўшимча 2060 тонна ширин-шакар маҳсулотлар тайёрлаб эл дастурхонига тортиқ қилдилар.

С. СУЛТОНОВ.

ЯХШИ АНЪАНА

Иттифоқимизнинг кўзга кўринган энг йирик олимлари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг суҳбатини тинглаш Тошкент давлат университетиде яхши анъаналардан бири бўлмоқда. Яқинда Ленинград Давлат университети профессори Е. П. Григорьев ва Литва ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ю. И. Бишпане университетининг физика факультети профессор-ўқитувчилари ҳузурида лекция ўқидилар.

9 ноябрь, шанба	Виринчи ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сеним, шашай тур (мультифильм). 10.20 — Экинчи халқ. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Гимнастика. 11.25 — «Будильник». 11.55 — 1974 йилда ялабёт ва санъат соҳасида СССР давлат му. кофотлари. 12.25 — Концерт. 12.45 — «Шеърят». 13.00 — Совет Итти. фонига хизмат қилганлар. 15.30 — Қўшмақ дигилликлар. 16.30 — Ки. носоҳатчилар клуби. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Сеним, шаш. май тур (мультифильм). 17.45 — «Юлдузча». 18.15 — «Ахборот». 18.35 — Ҳинд кинофильмларидан қўшмалар. 19.35 — «Мардлик — мангулик». 20.15 — «Ахборот». 20.35 — Концерт. 22.00 — «Вақт».
-----------------	--

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/ХИ да Травата (кундуз), Спар. так (кечкурун), 9/ХИ да Ери тош (кундуз), Ажда (кечкурун). ХАЛҚА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 8/ХИ да Яйқолган узун (11.00, 15.00), Олтин девор (19.00), 9/ХИ да Чакмон (кундуз ва кечкурун), 10/ХИ да Абу Райхон Беруний. МУКИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/ХИ да Олифта, (12.00), Концерт (16.00, да), Ҳижрон (18.30), 9/ХИ да Ҳижрон (12.00), Хотинининг эри (19.30), 10/ХИ да Тошбала ошма, 11/ХИ да Кумуш тўй. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕЩ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/ХИ Таш. вишланманг, онамон (11.00, 15.00), ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЮРИЙ ДУРОВ иштирокида «Дуст. лик қанотда» цирк коллектив. нинг хайрлашув гастроллари.

КИНО

8 ноябрда Чанитанинг бусаси — САНЪАТ САРОНИ, «ЧАНКА» (кундуз ва кечкурун). Танишув — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун). Шаҳзода Проша — «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 16.00, 20.00), «ТОШ. КЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). Хур қизлар — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун). Малиновдаги тўй — «НУКУС», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). Кобул миссияси — «ҚОЗОГИСТОН» (15.00, 18.00, 20.00).

9 НОЯБРДА Чанитанинг бусаси — САНЪАТ САРОНИ, «ЧАНКА» (кундуз ва кечкурун). Кидирилётган кишилар — «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). Танишув — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «ДРУЖБА» (14.00, 18.00, 21.30). Шаҳзода Проша — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00), «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 16.00, 20.00). Малиновдаги тўй — «НУКУС», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «ҚОЗОГИСТОН» (15.00, 18.00, 20.00). Хур қизлар — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 10 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА СССР биринчилиги учун олин лиянинг «ДИНАМО» (Киев) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида ФУТБОЛ

«БАХОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 9 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС «БАХОР» АНСАМБЛИ НИНГ КОНЦЕРТИ Концертда: Бахтиёр ИУЛДО. ШЕВ, Журақон РАХИМОВ, Ҳай, рулла ЛУТФУЛЛАЕВлар қатна. шадилар. Ансамбли бадий раҳбари — СССР халқ артисти Мукар. рама ТУРҒУНБЕКОВА.

СССР Солиқини сақлаш ми. нистрининг Тошкент ва. шина ва сиворотка илмий. та. диёт институти коллектив лаборатория мудир, медицина фанлари кандидати Т. М. Орифжоновга статус

Мамамадин ОРИФЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи. лади.

Эълонлар — 338142, комму. татор — 330249 дан 330258 гача.

ОВСИНЛАР

Ҳабибхон оппоқ халатини ечиб, шакарга илдири, энди ординаторскодан чиқиб кетаятган эди ҳамки, уни ҳамшира йўлаб қолди:

— Ҳабиб, мен ҳозир... Ҳабибхон наридан-бери халатини устига қайта илдириб, қабулхонада ошмади. Аниқ дард захмидан кўюк қошлари чиқарилган Умриниса мунчоқ-мунчоқ тер босган лабларини ора-чора тамашаб энтикиб қўяди...

— Узингизни бардам тутинг, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, — меҳр билан оёқларининг қўлидан олди Ҳабибхон сўнг охиригина хона эшигини елиб қари-дорга чиқди.

Қўлида фонендоскопи, ёнида ҳамширалар, бўлимининг кеска гинеколог олдими-кейин палатага кириб келишганда, Умриниса палатанинг у бошидан бу бошига бориб-келиб турарди. Ҳабибхон унга иссиқ қанд чок тутди. Кейин коммивдорнинг қўли босими ўчанди. Вран тоғиди уршишни кузатар, кеска арчадан нималариндир сураб, маслаҳатлашарди. Кеска арча палатадан чиқа туриб Ҳабибхонга: «Овсингизнинг олдиде қолмасангиз бўлмайди», деган ишорасини қилди. Кейин қўшиб қўйди: «Узингиз ҳам...».

Сезир одамнинг садағаси кетсанг эрийдий, кўнгилдан ўтказди Ҳабибхон. Боядан буюн кетэй деса овсинини кўзи қиймас, кетмаса набзотини арчагининг кўнгилга «Бизга ишонмайликми?» деган гап келмасмикин, деб ўйлаб хижолатда эди. 1961 йилдан буюн Чиноз райони «Пахта» участкаси бўлимидаги шу туғруқхонага гинеколог-акушерка бўлиб келиб-

ЛАВҲА

дики, улар билан худди опа-син-пидий яқин бўлиб кетишган.

Бу орада туғруқхонада неча аёл эсон-омон кўтилиб олди. Ҳабибхон Раҳматуллаева набзотини довларга кўмаклашар ва яна ошмади овсиндан хабар оларди.

Гира-шира тоғ оқара бошла-гандагики, Умринисанинг кўзи эри-ди. Уша кўзи тўққизинчи фар-зандни она бағрига бос-ди, овсинлар обдон қоршиган, лекин бахт шуғри, истиқбол на-шидаси бу хорғин чехраларини ер-тиб турарди...

Ҳабибхонга ҳар кун юради-ган бу йўллар янада кўркам кў-ринар, қалб кўкдаги қушдай чарақлаб кетганди. Кўз олдида яна Умриниса келди. «Раҳмат, опан деб севини ёшларини ар-гани, ўғлига исм қўйи беришини ўтқиб сурагани борми ва бу илтифотдан ўзининг бироз энти-кани-ю, ниҳоят гўдакка Икром-жон, деб исм қўйгани борми, ҳамма-хаммасини эслади.

Бурлишга қолганда ўғлига «Тўғри йўлдан юргин, ҳаялмай келгини, деб уқтираётган аёл ун-га илтифот билан ўғирлиди. Аёл боласининг оқсидан кўнхор билан яна бир бор қараб қўй-ди.

— Ана, дая момоси ўғлингиз ҳам мактабга борадиган бўлиб қолди, — деди оналарга ҳрс факр билан.

Ҳабибхон ҳар гал уни кўрган-да аёл кишига хос, фақат аёлга хос хушаси йўқ бир матонатни туйғанди бўлади. Салкам 15 йиллик иш фаолиятида неча юз ўғил-қизининг ҳаёт юзини кўриш-да гувоҳ бўлмади, неча юз бор уларнинг оналарига қўшилишиб

севинмади! Бутун бир қишлоқ, бутун бир район таниди уни Ҳабибхонлар билан биргаликда гап кетадиган бўлса, «ўғлингиз, қизингиз» деб сўз бошлашди, не-ка-нечаларини исмини табарруқ деб Ҳабибхонга қўйдириб олиш-ган.

Ширин ҳаёллар қўйида у ун-га кириб келганини ҳам билмай қолди. Чугур-чугур болалар уни ўраб олишди. Янги меҳмон ҳақи-да Ҳабибхоннинг тинмай сўроққа тутишди. Она эса жигмайиб, ме-хрибонлик билан ҳар қайсисини бошини силар, севинтирарди. Ҳайрият, Умринисанинг болалари ҳам шу ерда экан. У «қийналма-дингми» дегандай қизи Мавлудани қараб қўйди. Ҳабибхон ўтир-ган ерида бироз мизиган бўл-ди-ю, сумкасида шакардан алла-нарсаларни олиб солди-да, шош-ганча яна туғруқхонага қайтиб кетди.

Бу кунларда у туғруқхонага ҳаммадан олдин келадиган ва кеч қайтадиган бўлиб қолган.

Овсини ётган палата бугун одатдагидан гавжум. Аёллар тушма-туш қўшни палатадагилар-ни ҳам янгиб олиб, қошларига ўсма тортиб, нималар баҳси-ни қилишар, уларни билан ўла-ри овор, Ҳабибхоннинг кирга-нини ҳам сезмай қолшганди.

— Эртага жавоб бермасангиз, қочиб кетаман, — деб юборди Умриниса.

Палатани гур кулгу қоплади. Ҳабибхон, «Соғингизини ўйла-сангиз-чи,» деб овсинини қол-иб бериш хонаси эканини биларди. Лекин у шу тобада вуқулдан га-йрат бўлиб турган овсинга ҳаваси келиб кетди.

Уаига ҳос бир тоғфа одамлар бўлади. Уларни ҳеч нарса ме-хнатдан қайтароолмайди. Умрини-са Йўлчиёва ҳам шуларга қиёс қилса арзғудек аёл.

Туғруқхонада бошланган ўша гапга роппа-росса тўққиз ой бўл-ганда, овсинларнинг суҳбати яна шу мавзуга келиб тақалди. Ум-риниса ўғлини кўтариб, ўйлаб-и-гина эшикдан кириб келаятганни-даёқ Ҳабибхон «Бир гап бора, деб кўнгилдан ўтказиб қўйганди.

— Ишга чиқмасам бўлмайди, — деди ниҳоят Умриниса. Сизга маслаҳатга келувдим, нима дей-сиз, опа!

Тўққиз боланинг онаси, ҳеч ким уни ишга чиқ, деб қистаёт-ган, етишмовчилиги бўлмас! Тағида машина, дангиллама ўй-жой, кўрада моли... Нима ме-ж-бур қилаётган экан уни Ҳабиб-хон ўйлаиб қолди.

— Болани қийнаб қўйсизми, деб кўркаман, — жавоб берди у ниҳоят.

— Аксинча, бола болага қўшил-са, тез очилиб кетади, дейишди. Ясли нақ бригадамиз шийони-нинг ёнбасиди. Кириб, хабар олиб тураман. Бригадиримиз Турсу-ной Охунова аллақачон шийон-га кўчиб чиқиб олган. У ҳам сиз-биздек аёл. Унинг ҳам бо-лалари бор.

Ҳабибхон шижоат билан ёниб сўзлаётган овсинига бироз тики-либ турди-да, кейин ерга қаради.

— Дам олиш кўни. Далада иш қизгин. «Умриниса ҳойнаҳой дала-да бўлса керак», ўйлади Ҳабиб-хон. Кейин қизи Мавлудани ёни-га қайтарди-да, унга бугун Икром-жоннинг тутилган кўни эканини эслатди.

— Кеноянниқига бориб, ўёқ-бўёқни янгиштириб, тайёргарлик қўриб туринглр. Кечроқ деданг билан етиб борамиз, — деди у.

Ҳабибхонлар овсининикига кириб келишди. Уларни кучоғида ўғли билан қайниси қутиб олди. Ҳабибхон Икромжонни қучиб, боши узра бир-икки иргитиб, э-ла-қалади-да, қўйиб юборди. Бола аравагани гилдиратганча ўйнаб кетди...

Дилбар МАҲМУДОВА.

АХБОРОТ Спорт

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари навбатдаги учрашувини Москвада «Торпедо» командаси билан ўтказишди. Пойтахт автозавод-чилари бундан аввал Олмаотанинг «Қайрат» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учра-тиб, турнир жадалидеги мав-селарини янада яхшилаб олиш-ган эдилар. «Торпедо» бу йил чемпионатда медалга даъвогар-лик қилаётган командалардан. «Пахтакор» эса олдинга кучли ўйинска кириш вазифасини қўйган эди. Кўни кеча бу вазифа бажарилиди. «Пахтакор» рес-публикамиз пахтакорларидан ўртак олиб янги марраи кўз-ламоқда «Торпедо» билан бўл-ган учрашувини ҳаминхалатки ва кўтаринчи руҳда ўтказган ҳамшаҳарларимиз 1:0 ҳисобига ғалаба қозонди. Тўғни ко-манда капитани Тўлаған Исо-пов киритди. Шундай қилиб, «Пахтакор» турнир жадалида олтинчи ўрнига кўтарилди.

Тошкентлик футболчилар навбатдаги учрашувларини ўз майдонларида Киев динамочи-лари ва Москва спартакчилари билан ўтказишади. «Пахтакор»

1962 йилги муваффақият-ли такрорлаш, ҳатто унлаш ҳам юксак натижаларга эришиши мумкин. Бу мавсумнинг яку-ловчи сўғити икки учрашувига болди.

Олий лига билан хайрлашув-чи командалар ўртасидаги баҳс янада кескинлашди. Москва-нини Марказий Армия спорт клуби билан Қозоғистоннинг «Қайрат» командаси учрашув-ни нийоятда кескин ўтди. Бунда пойтахт футболчилари икки марта ҳисобини очиларини мум-кин эди. Лекин улар «Қайрат» командаси дарвозасига белги-ланган 11 метрлик жарима тў-лпдан фойдалана олмадилар. Учрашув 0:0 ҳисобида туга-ди.

«Днепр» «Нистру» устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келди.

Европа чемпионлари ва ку-бок эгалари мусобақаларида Киевнинг «Динамо» ҳамда Ере-ваннинг «Арабат» командалари навбатдаги турда муваффақият-га эришдилар. Пойтахт динамо-чилари эса мусобақалардан чи-қиб кетишди.



ЛЕНИН номли кўчада, Ленин музейининг қаршисида Ўз-

бекистон журналистлар Союзи Ўзбекистон ССР ва республика

Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб фотокўргазма таш-

кил этди. Бу фотокўргазма тошкентликлар диққатини жалб қилмоқда.

Суратда: кўргазмага қўйилган стендлар олдида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: